


**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OLIY VA ЎRTA MAHCYC TAЪЛИM
BAZIRЛИGИ
MИHИCTEPCTBO BЫCШEГO И CPEДHЕГO CПEЦИАЛЬНОГO
OБPAЗOBAHИЯ PЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

TOШKENT ДAVЛAT ИҚTИCОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚTИCОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АХАМИЯТИ**

халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,
2020 йил 20 май**

4-ШҶҒБА. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ			
123.	Абдуллаева Ш.Р.	Повышение влияния корпоративного управления на капитализацию коммерческого банка	406
124.	Ашуров З.А.	Корпоратив ижтимоий маъсулият концепцияси ва уни Ўзбекистонда жорий этиш муаммолари	408
125.	Бибутова Ш.С.	Стейкхолдерский подход в вопросах совершенствования системы корпоративного управления	410
126.	Ведман В.А.	Инвестиционный потенциал как фактор оптимизация механизма финансирования инновационной деятельности предприятий	413
127.	Галати Г.А.	Корпоративное управление в акционерных обществах Узбекистана с преобладающей долей государства	415
128.	Jahongirov R. J.	Aksiyadorlik jamiyatlarining korporativ strategiyasining shakllantirishda risklarni bartaraf etish masalalari	417
129.	Закирова Г. Т. Олимжорова Н.	Банк бошқаруви тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўллари	421
130.	Иргашев Д.И.	Корхоналарнинг молиявий рақобатбардошлигини оширишда хориж тажрибаси	424
131.	Йўлдошева Г.Х.	Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг замонавий тизимлари ва стандартларини жорий қилиш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш	427
132.	Каримов Л.Э.	Нефт ва газ саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ва инвестицион самарадорликни ошириш	429
133.	Карлибаева Р.Х. Аллаберганова Н.	Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш	432
134.	Kucharov A.S. Ishmanova D.N.	Neft-gaz sanoatiga investitsiyalarni jalb etish orqali tarmoq korxonalarida moliyaviy barqarorlikni ta'minlash	435
135.	Махмудов С.Б.	Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибadorлигини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибаси	437

etish, balki mahalliy tadbirkorlik subyektlari uchun ham raqobat muhitini shakllantirib, venchur fondlari orqali moliyalashtirishni tatbiq etish;

-investitsiyalarni jalb etish va ulardan samarali foydalanishda rivojlangan sanoatlashgan mamlakatlar tajribasidan foydalanadigan bo'lsak, investitsiya siyosatini amalga oshirishda quyidagi uchta yo'nalishga alohida e'tibor bilan qaraladi:

- import o'rni bosish strategiyasini rivojlantirish;
- tayanch tarmoqlar va eksport salohiyatini mustahkamlash;
- ilmtalab sohalar va innovatsion ishlanmalarni rivojlantirish.

Rivojlangan mamlakatlarda innovatsiya faoliyatida boy tajriba to'plangan bo'lib, undan O'zbekiston amaliyotida foydalanish investitsiyalash amaliyotini takomillashtirish va investitsiyalarning samaradorligini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish imkonini beradi. Bu borada bir qator rivojlangan mamlakatlarda investitsiya me'yorining nisbatan yuqori va barqaror darajasiga erishilganligining guvohi bo'lamiz.

Ayrim chet el mamlakatlaridagi investitsiya siyosatining asosiy yo'nalishlarini mamlakatimizga tatbiq qilish muayyan ijobiy natijalarni bermasdan qolmaydi. Ayniqsa, Koreya Respublikasi investitsiya siyosatining tajribasi o'zining ahamiyatligi bilan ajralib turadi. Bu borada mamlakatimizda ham investitsiya siyosatining muhim ustuvorliklaridan biri aynan xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda uzoq muddatli loyihalar asosida ilg'or texnika va texnologiyalar kiritishga qaratilgan.

Shu bilan birga, investitsiyalardan samarali foydalanishda bir qator rivojlangan mamlakatlar tajribasi bilan, masalan, Chexiya, Xitoy misolida o'rganilganda, investitsiyalar asosan ilg'or texnologiyalarni joriy etish, innovatsion loyihalarni moliyalashtirish, resurs tejovchi va ekologik talofati kam bo'lgan, mehnat unumdorligini oshirishga xizmat qiluvchi sohalarga yo'naltirilayotganining guvohi bo'lamiz. Keng miqyosdagi investitsiyalar, rivojlanish maqsadlarida xalqaro moliyaviy institutlar bilan o'rnatilgan faol hamkorlik, xorijiy investorlar uchun imkoniyatlar izchil ravishda kengaytirilib borilishi kelgusida O'zbekistondagi iqtisodiy o'sishni belgilash va unga erishish imkoniyatini beradi.

*С.Б. Махмудов,
ассистент, ТДИУ*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ

Ҳозирда акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини оширишда ривожланган мамлакатлар саноат корхоналарида инновацион фаолликни оширишда инвестицияларни стратегик бошқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада муайян тармоқларда саноат ишлаб чиқаришининг самарали амалга оширилиши ҳисобига инновацион фаолликнинг янада кучайиши кузатишмоқда. Чунки акциядорлик жамиятлари

шаклида вужудга келган саноат корхоналарида инновацион маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш кўламининг кенгайиши, ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнининг янги кўринишларини жорий қилиш, иш ўринларни ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайишига шароит яратади. Буни саноати ўсиб бораётган хориж мамлакатлари тажрибасида кўришимиз мумкин.

Жумладан, 2019 йил Осиё минтақасида Хитойдан ташқари ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) саноат улуши юқори бўлган мамлакатлар сифатида Қатар (ЯИМ 164,6 млрд. АҚШ доллари, саноат улуши 74 %), Бахрайн (ЯИМ 32,2 млрд. АҚШ доллари, саноат улуши 66,2 %), Сингапур (ЯИМ 292,7 млрд. АҚШ доллари, саноат улуши 46 %) ва Қозоғистон (ЯИМ 184 млрд. АҚШ доллари, саноат улуши 44 %) мамлакатларини таъкидлашимиз мумкин. Ўзбекистонда эса саноат маҳсулотининг ЯИМдаги улуши 2017 йилда 23,7 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,2 фоизга ортган.

Ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 2017 йилда ЯИМга нисбатан Хитойда 42,3 фоиз, Ҳиндистонда 38,6 фоиз, Руминияда 37,1 фоиз, Қатарда 34,1 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 21,6 фоизга тенг бўлди.

Қатор давлатларда минтақавий иқтисодий сиёсатни амалга ошириш мақсадлари қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- ривожланиш жиҳатидан орқада қолаётган минтақаларда иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- марказий ҳокимият органлари вазифаларининг катта қисмини маҳаллий бошқарув тизими зиммасига юклаш;
- йирик шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришнинг тўпланишини чеклаш;
- янги ўзлаштирилган ҳудудларда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш.

Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш модели ва хорижий инвестицияларни жалб этиш тажрибаси Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади.

Бу Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги хусусиятлар ундаги демократик вазиятнинг ўзига хослиги, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги юқори аҳамияти, қайта ишлаш саноатининг кам тараққий этганлиги, унинг аграр-индустриал мамлакат эканлиги каби ўзига хос ижтимоий шарт-шароитлар билан тавсифланади. Бу мамлакатнинг хорижий инвестицияларни жалб қилишда эришган ютуқлари эса кўп жиҳатдан унинг минтақаларидаги қулай инвестиция муҳитининг яратилганлигига боғлиқ. Хитойда ишчи кучи қийматининг арзонлиги, ердан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга киритилган капитал учун кенг кўламли имтиёзлар, ижтимоий-маиший инфратузилманинг ривожланганлиги ва бошқа ҳолатлар бу мамлакатнинг сўнгги йиллар ичида хорижий инвесторлар учун капитал киритиш объектига айланишига олиб келди. (АҚШ, ЯПОНИЯ, ГЕРМАНИЯ КОРПОРАЦИЯЛАРИ мисолида).

Хитойда шаклланган бож белгилаш тартиби, ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар ва валюта қонунчилиги хорижий инвестициялар кириб келишига қулай имкониятлар яратди. Хитойнинг минтақалар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати йиллар давомида

такомиллашиб келмоқда. Бу сиёсатнинг ривожланиш жараёнини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич, 1979–1982 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу босқичда Хитойда “очиқ эшиклар” сиёсати шаклланди. 1980 йилларнинг бошида маҳаллий ҳукуматларга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қарорларни қабул қилиш ҳукуки берилди. Бу даврда хорижий инвесторларга катта имтиёзлар берилди.

Иккинчи босқич, 1983–1991 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсати такомиллаштирилди. Мамлакатда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда, асосан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга катта имтиёзлар берилди. Улар учун даромад солиғининг ставкаси 33 фоизгача камайтирилди. Ваҳоланки, бу даврда маҳаллий корхоналар учун даромад солиғи 55 фоизни ташкил қилар эди. Агар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятларини махсус иқтисодий зоналарда амалга ошираётган бўлса, улар учун бу ставка яна ҳам камроқ миқдорда, яъни 15 фоиз даражасида белгиланган эди.

Учинчи босқич, 1992 йилдан ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг улар учун ёпиқ бўлган – молия, суғурта ва бошқа соҳаларга ҳам жалб этилиши айнан 1992 йилдан кейин бошланди. Бундай самарали ислохотлар натижасида Хитой XXI аср бошида хорижий инвестициялар учун энг жозибали мамлакатлардан бирига айланди.

Ривожланган мамлакатлар орасида Япониянинг бу соҳадаги тажрибаси алоҳида афзалликларга эга. Аниқ мақсадга йўналтирилган узоқ муддатли минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида Япония тарихан қисқа давр ичида дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилди.

Самарали инвестиция сиёсати, аввало, тегишли равишда ҳозирги замоннинг ички ва ташқи талабларига жавоб бериши керак. Бу талабларнинг энг катта миқёсдагиси, шубҳасиз, глобализациядир.

XX асрнинг 80-90 йилларида товарлар ва молия бозорлари, меҳнат бозорлари, ривожланиш институтлари, ишлаб чиқариш ва логистика тизимлари, савдо тизимлари (УСТ, 1995 йил), интеллектуал мулк ҳуқуқларининг (интеллектуал мулкни сотиш жиҳатлари ҳукуки бўйича битим TRIPS, 1995 йил) глобаллашуви содир бўлди.

Глобаллашувнинг муҳим натижаси жаҳон иқтисодиётидаги “тектоник” силжишлар ҳисобланади. Бу силжишларнинг моҳиятида Хитой ва Ҳиндистоннинг бу жараёнларга ўз таъсирларини тобора ошириб боришлари ётади. Иқтисодий ўсиш юқори суръатларининг узоқ давр давом этиши, ҳарбий имкониятларнинг кенгайиб бориши, юқори технологияларни фаол жорий қилиб бориш, аҳоли сонининг жадал ўсиши каби омиллар бу мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий қудратининг шиддат билан ошиб боришига имконият яратмоқда.

Хитой “иқтисодий тараққиёти” бир қанча таянч омилларга асосланади: қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, солиқларни камайтириш, давлат

харажатларини қисқартириш, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш (экспортни эркинлаштириш). Хитой маъмурияти ҳали жаҳон иқтисодий амалиётида кузатилмаган солиқ сиёсатини, яъни солиқ ставкасини 1979 йилда ЯИМга нисбатан 30,4 фоиздан 1996 йилда 10,3 фоизгача камайтиришни амалга оширди. Бу салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келмади, чунки шу вақтнинг ўзида барча давлат харажатлари 36,4 фоиздан 13,1 фоизгача қисқариб борди.

Хитой инвестиция сиёсатининг воситаларидан бири инвестицияларга солиқлардир. Бу восита орқали ҳукумат капитал қурилишининг меъёрдан ортиқ ўсиб боришига қарши курашди. Бироқ агар корхоналар технологик модернизациялаш учун ички бозордан жиҳозларни сотиб оладиган бўлса, улар ялпи фойдадан тўланадиган солиқнинг 40 фоизгача озод бўлиш имтиёзидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу мамлакатда XX асрнинг 90 йиллари охирларида, ЯИМнинг ўсиш суръатлари тушиб кетганида ҳукумат давлат ғазначилик мажбуриятларини эмиссия қилиш орқали инвестиция фаоллигини рағбатлантиришга киришди.

1998– 2002 йиллар мобайнида мазкур восита ёрдамида 80,5 млрд. АҚШ доллари жалб қилиниб, бу маблағлар ирригация иншоотлари, автомобиль йўллари, аэропортлар, дон сақлаш омборларини қуришга, ўрмонларни яратиш ва қисман давлат корхоналарини модернизациялашга сарфланди.

*Р.Х. Карлибаева, и.ф.д. профессор,
Ш.А. Машиарипова, тадқиқотчи PhD,
ТДИУ*

ФОНД БОЗОРИДА АКТИВЛАРНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг хусусийлаштириш тажрибасидан маълумки, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида шаклланган акциядорлик капитали тузилмаси хусусийлаштирилган компанияларнинг молиявий натижасига ва фонд бозоридаги эмиссион-инвестицион фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Бунда имконияти кам бўлган миноритар (майда) акциядорларни компания корпоратив бошқарувига суи жалб қилиниши, шунингдек, фирмаларни реструктуризациялаш ишларини орқага тортган ёки тўсиқ қўйган акциядор-ҳодимларнинг ўзига хос бўлган манфаатлари устувор бўлиши энг муҳим муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ, номоддий активларнинг асосий турлари аниқланган, баҳолаш нуқтан назаридан номоддий активларга: моддий-ашёвий шаклга эга бўлмаган, ёки моддий-ашёвий шакли улардан хўжалик фаолиятида фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлмаган; даромад келтиришга қодир бўлган; узоқ (бир йилдан ортиқ) давр мобайнида фойдаланиш мақсадида харид қилинган активларни киритиш мумкин.

Номоддий активларни тўртта асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Интеллектуал мулк.
2. Мулкий ҳуқуқлар.
3. Кечиктирилган ёки муддати узайтирилган харажатлар.

ЎЎК: 658.01:6П2.15.7:338(575.1)

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда куйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омилли.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибдорлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий тахрири остида.

Тахрир хайъати: и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурбаев.

© Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020